

---

---

**12.00.05 ТРУДОВОЕ ПРАВО.  
ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ**

**Авезов Умиджон Тошпулатович**

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва  
чорвачиликни ривожлантириш давлат  
қўмитаси Кадрлар бўлими бошлиғи  
E-mail: Avezovumidjon@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-10-8>

**ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕХНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ  
-КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ  
ЙЎНАЛИШИ**

**Аннотация.** Мақолада касоба уюшмаларининг меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикликнинг муҳим субъекти сифатидаги фаолиятининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мамлакатимизда ижтимоий шериклик муносабатларини ҳамда хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш ва меҳнат муҳофазасини такомиллаштириш, меҳнат бозорига вазиятни яхшилаш ва маҳсулдор бандлик соҳаларини кенгайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоясини самандорлиги ва аниқ йўналтирилганлигини кучайтириш масалалари юзасидан фикрлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** касоба уюшмалари, ижтимоий шериклик, жамоатчилик назорати, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, Ҳаракатлар стратегияси.

---

**Авезов Умиджон Тошпулатович**

Государственный комитет Ветеринарии и развития  
животноводства Республики Узбекистан  
Начальник отдела кадров  
E-mail: Avezovumidjon@mail.ru

**ЗАЩИТА ТРУДОВЫХ ПРАВ ГРАЖДАН-ВАЖНАЯ  
НАПРАВЛЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОФСОЮЗОВ**

**Аннотация.** В статье проанализированы теоретико-правовые аспекты деятельности профсоюзов как важного субъекта социального партнерства в трудовых отношениях. Есть также предложения по уделению особого внимания социальному партнерству и безопасным условиям труда, консолидации рынка труда, расширению рынка труда и расширению производительной занятости, эффективной социальной защите, а также улучшению социального партнерства в нашей стране.

**Ключевые слова:** профессиональные союзы, социальное партнёрство, общественный контроль, гражданское общество, правовое государство, стратегия действий.

---

**Avezov Umidjon Tashpulatovich**

State Committee of Veterinary and Livestock  
Development of the Republic of Uzbekistan  
Head of Human Resources Department  
E-mail: Avezovumidjon@mail.ru

**PROTECTION OF LABOR RIGHTS OF CITIZENS - IMPORTANT  
DIRECTIONS OF ACTIVITY OF THE TRADE UNIONS**

---

**2018 №10**

---

---

**Annotation:** Properties of legal framework as social partnership and important activity functions of trade unions in labor relations are analyzed in the article. It is also proposed to point out ideas to social partnership and safe working conditions, consolidating the labor market, expand the labor market and expand productive employment, effective social protection, as well as improving social partnership in our country, on improvement of social partnership relations in our country.

**Keywords:** trade unions, social partnership, public control, civil society, legal state, Strategy of actions.

**For citation:** Avezov Umidjon Tashpulatovich. PROTECTION OF LABOR RIGHTS OF CITIZENS - IMPORTANT DIRECTIONS OF ACTIVITY OF THE TRADE UNIONS. Journal of Law Research. 2018, 10 vol., issue 1, pp. 38-45

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиши биланоқ, пировард мақсади - эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат барпо этиш эканлигини халқаро ҳамжамиятга эълон қилди. Бинобарин, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат шароитида шахснинг ҳар томонлама камол топишига, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланишига шарт-шароит яратилади.

Мазкур мақсадга эришиш жараёнида фуқаролик жамиятининг таркибий институтларини, хусусан, унинг муҳим бўғини ҳисобланган жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш ва ошириш борасида туб ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Зеро, ислоҳотлар кўп қиррали ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамда олиб борилаётган ислоҳотларнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан жамоатчиликнинг иштирокига боғлиқ, шу жиҳатдан уни шакллантиришда муайян ижтимоий институтларга, хусусан, ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратига муҳим ўрин берилади. Бинобарин, самарали фаолият юритадиган мазкур институтларни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг дастурий ҳужжатларида аҳолининг реал даромадларини ошириш, меҳнат бозоридаги вазиятни яхшилаш ва маҳсулдор бандлик соҳаларини кенгайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоясини самандорлигини ва аниқ йўналтирилганлигини кучайтириш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва меҳнат муҳофазасини такомиллаштиришга қаратилган вазифалар белгиланган.

Миллий қонунчиликда мустаҳкамланган меҳнат ва бандлик соҳасидаги асосий тамойилларни ва ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этилиши Республика ижтимоий сиёсатнинг муҳим элементлари ҳисобланади. Аммо ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий база тўлиқ шаклланмаган ва такомиллаштириш лозим. Норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш ишларини давом эттириш, хусусан, меҳнат ва бандлик соҳасида ижтимоий шерикчилик ҳуқуқий механизмларини ривожланишини таъминлаш керак.

Иқтисодиётнинг барқарор бўлиши, уни кўптартиблигини шаклланиши, интенсив таркибий ислоҳотлар, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантирилиши ижтимоий меҳнат масалаларни ҳал этиш учун реал иқтисодий шарт-шароит яратди. Ундан ташқари бунинг учун керакли ҳуқуқий асос ҳам тuzилди. Меҳнатга оид барча масалаларни тартибга

---

---

солиш услублари, шакллари ва тамоиллари қонун даражасида мустақамланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси қабул қилинди. Кодексида меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришдан бошлаб меҳнат низолатригача, аҳолини бандлиги ва ижтимоий ҳимоя масалалари тартибга солинган. Меҳнат кодекси нормалари барчага - ходимлар, иш берувчилар, уларнинг вакиллик органларига - бозор иқтисодиёти чуқурлашган сари пайдо бўладиган меҳнатга оид масалаларни ҳал этишда имкониятлар яратади.

"Ижтимоий шериклик" термини аниқ-равшан ва тушунарли бўлишига қарамай - бугунги Ўзбекистон учун янги тушунча ҳисобланади ва ҳамма томонидан бир хилда қабул қилинмайди. Ҳали ҳам ижтимоий шерикчилик нима эканлиги, унинг ижтимоий ҳаётимизда қандай ҳуқуқий роль ўйнаши ҳақида аниқ тасаввурлар мавжуд эмас. Халқаро меҳнат ҳуқуқи ижтимоий шерикчилик муносабатларини ходимлар ва иш берувчилар вакиллари ўртасида меҳнат шароитлари юзасидан музокаралар, маслаҳатлар олиб бориш, жамоа шартномалари ва жамоа келишувларни тузиш билан боғлиқ фаолият тушунилади. Европа мамлакатлари меҳнат қонунчилиги ҳам ижтимоий шерикчилик муносабатларини айнан меҳнат соҳасига мансуб деб эътироф этади. Миллий қонунчиликда бугунги кунда ижтимоий шерикчиликнинг қонун ҳужжатларимизда акс этмаслигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари ижтимоий шерикчилик меҳнат-ҳуқуқий муносабатларига тўғридан тўғри алоқадорлигига қарамай Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг фақатгина битта моддасида бу терминга дуч келишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг

28-моддасида иш берувчилар жамоат бирлашмаларига уюшган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларда корхоналар ва улар мулкдорларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан ижтимоий шерикликини амалга ошириш, хўжалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир дейилган[1, б.4].

Кўшни давлатлар қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, Россия Федерациясида ижтимоий шериклик масалаларига РФ Меҳнат кодексининг бутун бир боби бағишланган. Унда меҳнат муносабатларидаги ижтимоий шериклик тушунчаси, тарафлари, тамойиллари, шакллари ва ҳуқуқий меҳнати тартибга солинган. Жумладан, РФ нинг Меҳнат кодексиде берилган таърифга кўра, ижтимоий шериклик - ходимлар (ходимларнинг вакиллик органлари), иш берувчилар (иш берувчиларнинг вакиллик органлари), давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органларининг меҳнат ва у билан бевосита боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга солиш масаласида иш берувчи ва ходим манфаатларини мувофиқлаштиришга йўналтирилган ўзаро муносабатлари тизими (23-моддаси). Мазкур нормада келтирилган таърифнинг назарий асослари Россия ҳуқуқшунос тадқиқотчиларининг ишларида ўрин олган. Чунончи, И.И.Янжул давлатнинг иқтисодиётга аралашуви давлат социализмини амалга ошириш эканлигини исботлаган. У тадбиркорлар ассоциациялари эркинлигини қўллаб-қувватлаган ва уларнинг ишчилар (ходимлар) ассоциациялари билан ўзаро таъсири зарулигини таъкидлаган. Кейинчалик у ишчилар иш ташлашларини легилизация қилиш (қонунийлаштириш)ни қўллаб-қувватлаган. Аммо у иш ташлашлар жуда кўп вақт талаб қиладиган иқтисодий курашнинг охириги чораси деб билган. Бу усулдан кўра ярашув процедураси ва меҳнат арбитражини афзалроқ деб билади. Унинг

---

---

фикрига кўра "ишчилар билан капиталистлар ўртасида кураш муқаррар ва фақат айнан давлат аралашуви билан олди олинishi ва ҳал қилинishi лозим" [2, б.4]. Курашнинг ўрнини унинг фикрича, манфаатлар мувофиқлиги эгаллаши керак. Шу билан И.И.Янжул ишлари амалда бўлган қонунчиликни позитив танқид қилиб, ишчилар масаласи ҳолати анализини ўз ичига олади. Юксак илмий даражаси ва бой амалий тажриба фабрика қонунчилигидаги "оқсоқ" нуқталарни аниқлашга ва ижтимоий шерикчилик гоёсига чиқишга йўл қўйди.

В.П.Литвинов-Фалинский "иш (меҳнат) ва капитал иттифоқи" ҳақида уларнинг муносабатларига давлат аралашуви зарурияти тўғрисида ёзган. У фабрика қонунчилигининг икки бирлашган мақсади: биринчидан ишчилар ҳолатини яхшиланиши ва иккинчидан касабаларни ҳуқуқий рамага солиниши кўрган [3, б.5]. В.П.Литвинов-Фалинскийнинг ишлари марказий тезиси "давлат, иш берувчи ва ходимлар манфаатининг бирикмаси" бўлган. У фабрика қонунчилигида икки асос: меҳнатнинг тўғридан тўғри давлат томонидан ва шартномавий тартибга солиниши ўзаро таъсири ҳақида ёзган.

Ижтимоий шерикчилик тўғрисидаги таълимот Германияда иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган. "Ижтимоий шерикчилик" термини ўзи Фарбий Германия саноати касаба уюшмалари раиси Г.Лебер исми билан боғлиқ [4, б.5] У ўзининг ижтимоий шерикчилик касаба уюшмаси режасини таклиф қилган.

ФРГнинг "немис иш берувчилари иттифоқининг федерал уюшмаси" номли тadbиркорлар иттифоқи касаба уюшмалари билан ижтимоий шерикчилик тамойилини қўллаб қувватлаган. Шу билан бирга иш (меҳнат) ва капитал тўқнашуви рад қилинмаган, лекин асосийси манфаатлар баланси ҳисобланган. Бу концепция ФРГнинг урушдан кейинги бутун иқтисодий ва сиёсий ривожига катта таъсир кўрсатди ва синфий ҳамкорлик гоёсини кенг қўллаб-қувватлади.

Бизнингча, бугунги ижтимоий шерикчилик ҳуқуқий табиатига икки асосий концептуал ёндашув мавжуд. Биринчисига кўра ижтимоий шерикчилик меҳнат ҳуқуқининг умумий қисми янги институти ёки жамоа шартномалари, жамоа келишувлари субинститутиларини ўз ичига олувчи мукамал тизимга эга асосий институтлардан бири. И.Я.Киселев таъкидлаганидек, "кодекса махсус бўлим "меҳнат соҳасида ижтимоий шерикчилик"нинг мавжудлиги бизнинг қонунчилигимиз уникаллик хусусиятини ташкил қилади [5, б.5].

И.Я.Киселевнинг фикрига кўра ижтимоий шерикчилик гарбда жамоа-меҳнат муносабатлари тарафлари ижтимоий шерикчилик ҳамкорлигини ўз ичига олувчи ташкилий принцип ва ижтимоий тушунча. Меҳнат ҳуқуқининг глобал вазибаларидан бири эса ижтимоий шерикчиликнинг юридик меъёрларини белгилаш ҳисобланади. Иккинчи ёндашувга кўра ижтимоий шерикчилик меҳнат ҳуқуқи функцияси, вазибаси сифатида қаралади. РФ Меҳнат кодексида меҳнат қонунчилигининг асосий вазибаларидан бири меҳнат муносабатлари тарафлари, давлат манфаатларини оптимал даражада мувофиқлаштириш учун зарур ҳуқуқий шароитлар яратиш ҳисобланади. (РФ Меҳнат кодекси 1-моддаси).

Санкт-Петербург юридик мактаби олимлари ижтимоий шерикчиликни иш берувчилар (уларнинг вакиллари) ва ходимлар (уларнинг вакиллари) ўртасидаги тарафлар манфаатларини ўзаро ҳисобга олиш, бу манфаатларни хурмат қилиш ва ўзаро таъсирнинг куч ишлатишдан воз кечишга асосланган ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш усули деб қарайдилар.

---

---

Ижтимоий шерикчилик баъзи олимлар томонидан меҳнатни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги таъмин сифатида ҳам қаралади. Баъзи олимларнинг фикрига кўра "ижтимоий шерикчилик" жамоа муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий механизми ҳисобланади ва у тартибга ва ҳимоя қилиш қисмларини ўз ичига олади. Бу ёндашув кўпгина олимлар ва амалиётчилар ишларида қўллаб-қувватланган. Уларнинг фикрича, жамоа (ижтимоий-шериклик) ҳуқуқий муносабатлар ўзининг табиатига кўра меҳнат муносабатларидан алоҳида ҳисобланади. Уларнинг субъекти бўлиб, жамоа субъектлари (касаба уюшмалари, иш берувчилар иттифоқи, ходимлар жамоаси) ўзларининг вакиллари орқали ҳамда бошқа иштирокчилар (ижтимоий шериклик органлари, давлат вакиллари, жамоа низоларини ҳал қилиш органлари) ҳисобланадилар.

Чунончи, Э.Нестерова, "ижтимоий шерикчилик" термини остида жамоа меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар комплексини тушуниш мумкин [6, б.6] деган фикр берса, А.Силин эса бугунги даврда ижтимоий шерикчилик касба уюшмалари ва тарбиркорларнинг статуси, корхона ишларида ходимларнинг иштироки, меҳнат низоларини ҳал этишни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар комплексини ўз ичига олади [7, б.6].

С.Ю.Чуча, ўз навбатида, ходимлар, иш берувчилар, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг улар меҳнат соҳасидаги манфаатларини мувофиқлаштиришга қаратилган ўзаро муносабатлари тизимини ифодалаш учун Россия қонунчилигида "ижтимоий шерикчилик" термини ишлатилади, деб таъкидлайди [8, , б.6].

Ўтган аср 90 йилларининг бошидаёқ Россия олимларидан биринчи бўлиб, меҳнат соҳасида ижтимоий шерикчилик Россия тизимининг яхлит концепциясини ишлаб чиққан И.О.Снигирева, ижтимоий шерикчиликка "иш берувчилар, давлат органлари ва ёлланма ишчилар вакиллари вакилларнинг музокараларга асосланган ўзаро муносабатлари тизими, меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ўзаро маъқул ечимларни қидириш" деб таъриф берган.

Е.М.Акопова ва С.Н.Еремина уни "иш берувчи ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш амалга оширишдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган тадбирлар тизими" деб атайдилар. Меҳнат халқаро конференцияси 102 сессияси VI докладада эса ижтимоий шерикчиликка қуйидагича таъриф берилган: ижтимоий шериклик-(ишчилар) ходимлар, иш берувчилар ва вакиллари бандлик ва иш жойларида юзага келадиган муаммоларни ечиш соҳасида қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини белгиловчи термин бўлиб, қайд этилган гуруҳлар вакиллари ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва меҳнат доирасидаги сиёсат соҳасида ўзаро музокара, консултациялари ва ахборот алмашинувини ўз ичига олади [9, б.9]. Ижтимоий шериклик - бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш воситаси ҳам, ўз-ўзидан мақсад ҳам, чунки ижтимоий шериклик одамларнинг ўз фикрини билдириш, ўз иш жойларида, жамиятларида уни ҳимоя қилиш имкониятларини беради.

Ўзбекистонда ижтимоий шериклик воқелиги бир неча кенроқ тушунилади. Бугунги кунда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун қабул қилинган бўлиб, унда ижтимоий шериклик тўғрисида қуйидаги таъриф берилган: Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий

---

---

дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир [10, б.9]. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик эса унинг бир шакли сифатида кўрилиши мумкин.

Демак, ижтимоий шериклик тўғрисидаги тадқиқотчилар томонидан берилган таърифларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, меҳнат ҳуқуқининг методи ва унинг элементи, меҳнат ҳуқуқи тамойили, ижтимоий муаммолар ечими ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш методи, муаммолар ечими ва ходимлар, иш берувчилар ва давлат ўртасидаги қарама-қаршиликларни тартибга солиш воситаси, меҳнат муаммоларини ечиш (ҳал қилиш) усули, ўзаро муносабатлар шакли ва усули, ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва давлат, касабга уюшмалари ва тадбиркорларнинг ижтимоий-меҳнат ҳаёти соҳасидаги келишилган сиёсатни ишлаб чиқиш инструменти (қуроли), иш берувчилар, ходимлар ва давлат ўзаро муносабатларини ташкил қилиш шакли, ижтимоий-меҳнат соҳасидаги қонуний манфаатларни белгилаш, келишиш ва таъминлаш процедураси, юқорида келтирилган субъектлар ўртасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатларидаги ҳамкорлиги, меҳнат низоларини ҳал қилиш усули, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг алоҳида тури, ҳатто ходимлар тадбиркорлар ва давлат ўртасида вужудга келадиган меҳнат масалаларини тартибга солишга қаратилган муносабатлар деб қарашимиз мумкин. Лекин ижтимоий шерикчиликнинг таърифини берадиган бўлсак, юқорида амалга оширилган таҳлиллар асосида, ижтимоий шерикчилик - меҳнат муносабатлари иштирокчилари ўртасида ижтимоий меҳнат шароитларини яратиш, тарафлар манфаатлари мувозанатини сақлашга қаратилган алоҳида тоифадаги меҳнатга оид муносабатлар туридир.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ижтимоий шерикчилик муносабатлари Меҳнат кодексига акс эттирилган бўлиб, бир неча даражада бўлиши белгиланган. Худди шу масала бошқа давлатлар меҳнат қонунчилигида берилган. Масалан, Россия Федерацияси меҳнат қонунчилигига эътибор берсак, ижтимоий шериклик:

- федерал даражада, бунда РФ да меҳнат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш асослари ўрнатилади;
- регионлараро даражада, бунда РФ икки ёки ундан ортиқ меҳнат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш асослари ўрнатилади;
- регионал даражада, бунда РФ субъектида меҳнат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш асослари ўрнатилади;
- тармоқ даражаси, бунда тармоқда меҳнат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш асослари ўрнатилади;
- территориал даражада бўлиши мумкин, бунда муниципал бирликда меҳнат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш асослари ўрнатилади.

Ўзбекистонда жамоа музокараларини ташкил этиш марказлашган ва марказлашмаган даражада бўлиши мумкин - тармоқда, ҳудудда ва бевосита корхоналарда. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ ижтимоий шерикчилик меҳнат муносабатларини жамоа шартномавий тартибга солишнинг шакли сифатида умумдавлат, тармоқ (тармоқлараро) касбий, ҳудудий (регионал) ҳамда локал даражада амалга оширилади.

Меҳнат кодексига мувофиқ умумдавлат даражасидаги ҳамкорликнинг асосий шакли бўлиб, Бош келишув тузиш йўли билан амалга ошириладиган жамоа шартномавий тартибга солиш ҳисобланади.

---

---

Бош келишув Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчиларнинг республика миқёсидаги бирлашмалари ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ҳам тузилади.

Бош келишув ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб беради. Ўзбекистонда Бош келишув Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида 2017-2019 йилларга тузилган бўлиб, Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш, иш ҳақини миқдорини кўтариш, меҳнат бозорини ривожлантириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, меҳнат муҳофазасини ва хавсизлигини такомиллаштириш каби масалаларни қамраб олган.

Касбий тармоқ даражасида эса жамоа шартномавий келишувлар каби ҳамкорликнинг шаклидан фойдаланилади. Улар ҳозирги кундаги келишувларнинг асосий тури ҳисобланади.

Тармоқ келишувлари тегишли касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан ҳам тузилади.

Тармоқ келишувлари тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартлари ва унга ҳақ тўлашни, тармоқ ходимларининг (касбдошлар гуруҳларининг) ижтимоий кафолатларини белгилаб беради. Худуд даражасидаги (шаҳар, туман, вилоят ва бошқалар) келишувлар худуддаги иш берувчилар ва ходимлар ўртасида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг иштирокида тузилади.

Худудий келишувлар тегишли касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳам тузилади.

Худудий келишувлар худудларнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган муайян ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш шартларини белгилайди. Ва ниҳоят, ижтимоий шерикчилик тизимидан ўрин олган локал даражада иш берувчи ва ходимлар вакилларининг ҳамкорлиги бевосита корхонада амалга оширилади. У бошқа даражалардан фарқли равишда икки тарафлама ҳисобланади ва давлат органларининг иштирокисиз амалга оширилади. У уч асосий шаклда амалга оширилади: жамоа шартномавий тартибга солиш; ходимларнинг корхонани бошқаришдаги иштироки; жамоавий меҳнат низоларини ҳал қилишда иштироки.

Демак, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикчиликнинг аҳамияти касаба уюшмаларининг давлат билан ўзаро алоқаларини такомиллаштириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш каби ғоят муҳим вазифани бажаришда намоён бўлади. Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгиланишлар туб ўзгаришларнинг мазмунини фуқароларга муносиб ҳаёт шароитларини таъминлаб бериш, уларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқаришлари учун кенгроқ имкониятлар ҳамда кафолатлар тизimini яратиш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини такомиллаштиришда жамиятда мавжуд ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал

---

---

этишда ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва мустақамлаш каби устувор йўналишлар ташкил этмоқда.

Амалга оширилаётган туб ислохотлар ва жамиятда вужудга келаётган янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти, амалдаги қонун ҳужжатларини домий такомиллаштириб боришни тақозо этади. Чунки етарли ҳуқуқий асосни, қонунчилик баъзани шакллантирмай, янгилamay туриб ислохотлар самарали амал қилишини, янги ижтимоий муносабатларни тартибга солишни тасаввур этиб бўлмайди. Бу дунёдаги илгор демократик давлатларга ва мамлакатимиз тараққиётига хос бўлган хусусиятдир.

---

### Иқтисоблар/Сноски/References

---

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси (Ведомость Олий Мажлиса Республикаси Ўзбекистан), 1996 й., 1-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 65-молда; 03/19/536/3114-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan (1996), Annex №. 1; 1997, № 2, Art. 65; №. 03/19/536/3114, dated 24.05.2019, №. 03/19/542/3177.).

2. Янжул И.И. Промысловые синдикаты и предпринимательские союзы. М.1996 г. (Yanzhul I.I. Trade syndicates and business unions. M.1996).

3. А.М.Лушников, М.В.Лушникова. Курс трудового права. В 2-х томах. М.:Статут. 2009 г. (А.М. Lushnikov, M.V. Lushnikova. Labor law course. In 2 volumes. M.: Statute. 2009).

4. Киселев И.Я. "Международное -правовое регулирование труда (международные стандарты труда)". Учебное пособие -М.: "Академия труда и социальных отношений", 1995 г. -С.76. (Kiselev I.Ya. "International Legal Regulation of Labor (International Labor Standards)." Textbook - M.: "Academy of Labor and Social Relations", 1995 - p. 76.).

5. Нестерова Э.Социальное партнерства и коллективное трудовое право//. Российская Юстиция, №1. 2004 г. -С.25. (Nesterova E. Social partnership and collective labor law // Russian Justice, №. 1. 2004 - p. 25.).

6. Силин А. "Прокукарекали, а где дела". Профсоюзы и экономика. 1997 г. №5.- С.443. (Silin A. "Crowed, and where are you." Trade unions and economics. 1997, № 5- p.443.)

7. Чуча С.Ю. "Становление и перспективы развития социального партнерства в Российской Федерации" - М.:Вердикт. 2001 г. (Chucha S.Yu. "The Formation and Prospects for the Development of Social Partnership in the Russian Federation" - M.: Verdict. 2001).

8. Доклад IV 102-й сессии 2013 года Международной конференции труда. "Социальный диалог. Периодическое обсуждение в соответствии с Декларацией МОТ о социальной справедливости в целях справедливой глобализации". Международное бюро труда. Женева. -Ст. 5. (Report of the IV 102nd session of 2013 of the International Labor Conference. "Social dialogue. Periodic discussion in accordance with the ILO Declaration on Social Justice for a Fair Globalization. " International Labor Office. Geneva. -Art. 5.).

9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами (Сборник законодательства Республики Узбекистан), 2014 й., 39-сон, 488-молда; 2017 й., 37-сон, 978-молда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (Национальная база данных законодательных документов), 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон www.Kasaba.uz (Collection of Laws of the Republic of Uzbekistan (2014), № 39, art. 488; № 37, Art. 978, Database of National Legislation (Database of National Legislation ), №. 03/18/456/0512 dated 05.01.2018).

10. Ахмедшаева М., Рузиназаров Ш., Нажимов М.К., Саттарова Г., Сайдуллаев Ш.А., Тухтабоев С.Н., Ўзбекистонда ижтимоий шерикчилик ва жамоатчилик назорати институтлари: назария ва амалиёт масалалари (Институты социального партнерства и общественного контроля в Узбекистане: вопросы теории и практики). Монография.- Тошкент: ТДИУ, 2016. - 160 бет. (Akhmedshaeva M., Ruzinazarov Sh., Najimov M.K., Sattarova G., Saydullaev Sh.A., Tuhtabaev S.N., Institutions of social partnership and public control in Uzbekistan: Theory and practice issues of the Public Control in Uzbekistan: Theory and Practice). Monograph- Tashkent: TSUU, 2016. - p.160.)